

## ПАРАДОКСНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Хамидова Севара Бахтиёровна*

*Жиззах давлат педагогика университети  
Инглиз тили амалий курси кафедра мудири*

**Аннотация:** Ушбу мақолада парадоксинг пайдо бўлиши, машҳур дунё олимлар томонидан парадоксга берилган таърифлар, парадоксинг ўрганилиши тарихи ёритилган. Шунингдек, парадокс ҳодисасининг когнитив структура билан изчил боғлиқлиги кўрсатилиб кетилган.

**Калим сўзлар:** парадокс, парадокс ҳодисаси, парадоксинг хусусиятлари, абсурд.

**Abstract:** This article deals with the emergence of the paradox, the definitions given to the paradox by famous world scientists, and the history of the study of the paradox. It is also shown that the phenomenon of paradox is consistently related to the cognitive structure.

**Key words:** paradox, phenomenon of paradox, history of paradox, absurd.

Жаҳон адабиётининг йирик дурдона асарларда қўлланилган парадоксинг асл маъносини аниқлашга ва ўрганишга бўлган қизиқишларнинг ортанлигини, асарлар давомида парадоксинг ҳар бир жабҳадаги қўлланишини учратиш мумкин. Шу туфайли юртимизнинг тадқиқотчиларини ҳам парадоксни тадқиқ этишга бўлган қизиқишлари ортиб бораётганлигини эътироф этиш жоиз. Адабиётнинг замонавий эстетикаси асарда дунёнинг деконструктивлик тасвирини қайта тиклайдиган маънолар билан намоён бўлади. Табиатида меъёрларни бузиш ётган стереотипларни бузишга олиб келувчи *парадокс* XX аср охири- XXI аср бошидаги лингвистик тадқиқотлардаги асосий йўналишлардан бирини акс эттирувчи мазмунни ифодалаш усули ва техникасига алоҳида эътиборни назарда тутди. Парадокс ҳодисасини турли томонлардан ўрганишга оид асарларда парадоксинг тил жараёнларига таъсири, парадокс таъсирида бадий матнда алоҳида мантиқ ва маъно касб этишни кўриб чиқади. Бадий матнни одамларнинг ўзаро таъсирининг усулларида бири сифатида, инсоний мулоқатни жараён сифатида кўрсатиш [Сорокин, 1982:68] лингвистик жиҳатларни ўрганишга суянади, у эса ўз навбатида ҳар қандай адабий матннинг маъносини аниқлайди.

Тадқиқот жараёнида Твер филологик герменевтика мактабини ўрганишда қуйидагича таърифни учратдик - матнни ўрганишга унинг асосий фикрлаш-фаолият ёндашуви билан парадокс маъноларини куриш воситаси сифатида кўриб чиқилади. Бу парадоксни тушуниш усули сифатида белгилайдиган ғарб

фанининг жиҳатлари билан мос келади. Шу билан бир қаторда, Болдик Криснинг “**The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms**” луғатида қуйдагича изоҳлар келтирилганини учратишимиз мумкин: “*Ancient theorists of rhetoric described paradox as a figure of speech, but X century critics given it a higher importance as a mode of understanding by which poetry challenges our habits of thought*” [Baldrick 1983]

Қадимги риторика назарийтчилари парадоксга қуйдагича таъриф беради: *парадокс* - нутқ тимсоли, аммо XX аср танқидчилари унга, бизнинг фикрлаш одатларимизга шеърият ёрдамида чақириқ йўллайдиган тушуниш усули сифатида катта аҳамият беради.

Парадоксларнинг энг кўп сони бадий нутқда, шу билан бирга журналистикада, кундалик ишлатиладиган нутқимизда, илмий соҳаларда, расмий хабарларда учратиш мумкин.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, жаҳон адабиётида *парадокс* XIX асрнинг охиридан бошлаб, бадий матннинг таркибий элементи сифатида талқин этила бошланди, шу билан бир қаторда инглиз адабиёти намоёндалари Оскар Уайльд ва Бернард Шоуларга тегишли бўлган янги таҳаллус “*Парадокс устаси*”<sup>1</sup> пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу машҳур ижодкорлар ижодида парадокс матннинг сюжетли-композицион даражасини белгилаб беради, шунингдек, қаҳрамонлар характерининг парадоксал табиатини очиб бериш учун бадий восита сифатида фойдаланилади. Парадокс бошқа интегратив белгилари билан бир қаторда бадий матнга хос хусусият сифатида талқин этилади: *маънавий алоқа, яхлитлик, семантик боғлиқлик, экстралингвистик шарт-шароитлар, ахборотлилик, коммуникативлик, прагматиклик, когнитивлик, концептуализм.*

Парадокс нафақат адабий асар тузилишининг асоси, балки дунё ва инсон табиатини идрок этиш ва тушуниш тамойилига айланганлигини учратиш мумкин. XX асрда *абсурд*<sup>2</sup> адабиётида янги йўналиш вужудга келди, унинг вакиллари Э.Ионеско<sup>3</sup>, Г.Пинтер, С.Мрожек, Б.Бизэн ва бошқалар дунёнинг ташқи структуравий кўринишини бузиш учун парадоксдан кенг фойдаланишди ҳамда номукамал атрофдаги воқелик тасвирини яратишди. Замонавий адабий матнларда парадокс мутлақо табиий ва ҳатто зарур элемент ҳисобланади. “Асарда маъноларнинг парадоксал кесишуви мантиқий таҳлилни четлаб ўтиб,

<sup>1</sup> <https://englishliterature.net/literary-devices/paradox>

<sup>2</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%B1%D1%81%D1%83%D1%80%D0%B4%D0%B8%D0%B7%D0%BC>

<sup>3</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BE%D0%BD%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%BE,%D0%AD%D0%B6>

индивидуал когнитив тизимида шаклланган когнитивларни фаоллаштириш билан онгга бевосита таъсир қилади.”[Баранов 1993; 11]

А.Шербинанинг фикрича, “Адабиёт парадоксларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, фикрнинг оригинал шаклини ҳосил қилувчи, афористик, нафис ва жуда ақлли, эгилувчан ва бой маънавий алоқалар ва боғланишлар билан тасвирланади.” [Шербина 1995; 148]

Парадокс ҳодисасининг мураккаблиги ва кўп қирралиги унинг табиий фанлар - математика ва физика доирасида ўрганилиши ва турли гуманитар фанлар: фалсафа, мантик, лингвистик, психологик, психоллингвистика, адабиётшунослик ва бошқалар тадқиқот предмети ҳисобланганлиги билан тасдиқланади. Лингвистик асарларда узоқ вақт давомида парадокс, ўз тил хусусиятларига эга ва маълум вазифаларни бажарувчи стилистик восита сифатида кўриб чиқилган. [О.К.Денисов, Н.Ю.Шпекторова, Г.Я.Семен] Стилистика нуқтаи назаридан парадокснинг экспресивлиги унда бадиий асарда ҳажвий эффект ҳосил қиладиган зиддият мавжудлиги билан тушунтирилади.

Бир қатор русий забон тадқиқотчилари томонидан ўз тадқиқотларида парадокс таърифини шакллантириш масаласига катта эътибор қаратилганини, ушбу тил ҳодисасини турли белгилар бўйича гуруҳлашга урунишлар бўлганлигини учратдик, масалан: Денисова 1972, Овсянников 1981, Сандлер 1980, Шпенторова 1975; парадокснинг мантиқийлиги/мантиқсизлиги категорияларини Бўйницкая 1967, Соловьян 1960, Семен 1986 тадқиқ этдилар.

Кейинчалик лингвистик фаннинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, парадокс ҳодисасига, когнитив структуралар (тузилмалар) ва лингвистик моделлаштиришни ўрганиш доирасида қизиқиш пайдо бўла бошлади.[Темяникова 1998, Заботина 2012]Когнитив ёндашув парадокснинг стилистик тадқиқотларда турли жанрлардаги матнларни хусусиятларини аниқлаштириш учун қўлланилади [Андрохина 1996, Варенина 1998, Ильянова 1996, Салыгина 1995] стилистик эффектларни, масалан юмористик эффектни шакллантириш учун матнни моделлаштиришда. Когнитив лингвистикада парадокснинг тузилишини кўриб чиқиш инсон онгини ўрганиш билан боғлиқ. Когнитив лингвистика соҳасидаги сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “**чизиқлик** ” деб аталмиш, рад этишни акс эттирувчи парадоксал баёнотлар ва матнлар ўзгартирилган, бу эса чуқурроқ ва батафсил лингвистик ўрганишни талаб этади.[Заботина 2012]

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аникст А. Оскар Уайльд и его драматургия [Текст] / Оскар Уайльд. Пьесы. – М: Искусство, 1960. – С. 5-19.

2. Аристотель. Риторика. Поэтика [Текст] // Аристотель пер. с древнегреч. О. Цыбенко. – М.: Лабиринт, 2001. – 208с
3. Khamidova Sevara Bakhtiyorovna. Problems of Paradox Translation // Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal – Jizzax, 2022.
4. Xamidova. S. B. Paradoks tarjimalaridagi leksik muammolar // Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12);. – Finland. 2022 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7477902>
5. Khamidova, S. (2022). LEXICAL, SEMANTIC AND TYPOLOGICAL ASPECTS OF THE TRANSLATION. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 2022(3), 119-132.